

Б.Б. Жумаев,  
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, ТДИУ

## **КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ - ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Ҳозирги замон тараққиёти ва аҳолининг даромадларини оширишнинг замонавий муаммоларини ҳал қилишнинг энг самарали ва оқилона йўли - бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бу борада қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди: “Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди”<sup>1</sup>.

Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- иқтисодий-таркибий жиҳатдан у тармоқ тузилишини белгилаб, ички бозорни талаб ва таклиф асосида товар ва хизматлар билан тўлдиради;


- ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қишлоқ аҳолисининг асосий қисмини иш жойлари ҳамда барқарор даромад манбаи билан таъминлайди, аҳоли турмуш даражасини оширишда асос бўлиб хизмат қилади;

- ишлаб чиқариш ва иш жойларини кўп маблағ талаб қилмасдан қайта ташкил этиш ва жиҳозлашга имкон беради;

- ижтимоий-психологик жиҳатдан оилада меҳнат кўникма ва анъаналари авлоддан-авлодга ўтишини, маҳсулот етиштириш маданияти ва маҳорати ҳамда сир-асрорларини эгаллаш жараёни давом этишини таъминлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос турли макроиқтисодий ўзгаришлар ва талабларга тез мослашиш имкониятларига эгаллиги билан устувор аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиётининг кескин авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин (1-расм).

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь. №14 (5434).



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1-расмдан кўриниб турганидек, 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб борган. Жумладан, ўтган беш йил давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоиздан 52,5 фоизга, Бухоро вилоятида эса 53,5 фоиздан 64,1 фоизгача ортган. Таҳлиллар Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши республика ўртача кўрсаткичидан юқори эканлигини кўрсатди.

Статистик маълумотлар Бухоро вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан бандлар аҳоли сонининг ортиб бораётганлигини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвалдан кўриниб турганидек, 2006-2010 йиллар давомида вилоят бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд бўлган аҳоли сони 688,4 минг кишидан 586,2 минг кишига ёки 14,9 фоизга камайган. Бундай тенденция вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кузатилган. Жумладан, кўрилаётган даврда бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони Қоровулбозор туманида – 72,5, Когон шаҳрида – 45,3, Бухоро шаҳрида – 33,2, қолган барча туманларда эса 1,9-8,1 фоиз атрофида камайган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки оилавий тадбиркорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни истеъмолчиларга етказиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишгача бўлган жараёнлар оилалар томонидан амалга оширилади. Улардан тушган даромадларнинг аксарият қисми оиланинг даромадини кўпайтиришга хизмат қилади.

1-жадвал

**Бухоро вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан бандлар сони динамикаси, минг киши**

Шаҳар ва туманлар номи	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Бухоро ш.	152,7	134,5	96,4	99,6	102,0	-50,7	66,8
Когон ш.	26,5	22,4	11,0	14,2	14,5	-12,0	54,7
<i>туманлар:</i>							
Бухоро	43,7	31,3	38,0	38,9	39,9	-3,8	91,3
Вобкент	46,6	31,5	41,4	43,9	45,1	-1,5	96,7
Жондор	47,0	33,7	41,3	43,6	44,7	-2,3	95,1
Когон	28,8	20,9	25,3	26,9	27,6	-1,2	95,8
Олот	32,7	22,0	27,1	29,5	30,2	-2,5	92,3
Пешку	41,0	29,2	36,4	37,7	38,7	-2,3	94,4
Ромитан	52,0	36,8	44,6	46,5	47,7	-4,3	91,7
Шофиркон	54,8	36,6	46,3	52,7	53,8	-1,0	98,1
Қорақўл	62,3	44,5	54,8	56,7	58,1	-4,2	93,2
Қоровулбозор	11,6	5,9	2,8	3,1	3,2	-8,4	27,5
Ғиждувон	88,7	71,3	75,1	78,8	80,7	-8,0	90,9
<b>Жами</b>	<b>688,4</b>	<b>520,6</b>	<b>548,5</b>	<b>572,1</b>	<b>586,2</b>	<b>-102,2</b>	<b>85,1</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “**Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 216-сонли Қарорига асосан республика ва унинг ҳудудларида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти ривожланмоқда.

Бухоро вилоятида ҳам оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларининг таҳлили вилоят ва унинг барча ҳудудларида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳасида иш билан банд бўлганлар сонининг ортганлигини кўрсатади.

Фикримизча, Бухоро вилоятида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни самарали ривожлантириш учун куйидаги шарт-шароитларни яратиш лозим:

- оилавий тадбиркорликка солиқ юкининг оптимал чегарасини белгилаш;
- моддий-техника ва инновацион-технологик базаларини яратишга кўмаклашиш;
- самарали ва янги техника, технологиялардан фойдаланишни кўллаб-қувватлаш; ҳар бир оилавий тадбиркорлик тизимининг миллий урф-одатлари

ҳамда экспорт-импорт операцияларини эркин амалга оширишни таъминлаш ва бошқалар.

2-жадвал

**Бухоро вилоятида оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчилик соҳасида иш билан бандлар сони, бирлик\***

Шаҳар ва туманлар номи	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Бухоро ш.	77	415	578	608	611	534	793,5
Когон ш.	32	20	209	120	111	79	346,8
<i>туманлар:</i>							
Бухоро	45	372	599	301	514	469	1142,2
Вобкент	40	267	410	254	388	348	970,0
Жондор	74	471	577	325	243	169	328,3
Когон	53	35	193	148	128	75	241,5
Олот	54	267	403	198	250	196	462,9
Пешку	34	61	132	230	140	106	411,7
Ромитан	79	774	571	260	280	201	354,3
Шофиркон	96	538	554	328	292	196	304,1
Қорақўл	85	290	467	298	214	129	251,7
Қоровулбозор	23	10	149	32	30	7	130,4
Ғиждувон	51	512	662	575	500	449	980,4
<b>Жами</b>	<b>743</b>	<b>4032</b>	<b>5504</b>	<b>3677</b>	<b>3701</b>	<b>2958</b>	<b>498,1</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бюджет маълумотларининг таҳлилига кўра, фермерлар оилаларининг моддий таъминоти бошқа қишлоқ оилаларининг даромадларидан юқоридир: агар қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги фақатгина ўз озиқ-овқат истеъмоли учун харид қилиш воситаларига эга бўлсалар, фермерлар яна қўшимча равишда узок муддат хизмат қилувчи товарлар сотиб олиш имкониятига ҳам эгадирлар.

Фермер оилаларининг жами даромадлари ҳиссасида айнан меҳнатдан келувчи даромад ҳиссаси катта, ижтимоий трансфертлардан келувчи даромадлар ҳиссаси эса камдир. Шунингдек, шахсий томорқа хўжаликлар маҳсулотлари ҳам фермер хўжаликлари маҳсулотларига қараганда кам товарлилик хусусиятига эгадир.

Статистик маълумотларга кўра, Бухоро вилоятида ташкил этилган фермер хўжаликлари сони камайган (3-жадвал).

Жадвал маълумотларининг таҳлили вилоятда ташкил этилган фермер хўжаликлари сонининг 2006 йилдаги 13791 тадан 2010 йилдаги 3953 тага ёки 71,3 фоизга камайганлигини кўрсатади. Бундай ҳолат вилоятнинг барча ҳудудларида ҳам кузатилган.

3-жадвал

Бухоро вилоятида ташкил этилган фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши\* (бирлик)

Шаҳар ва туманлар номи	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Бухоро ш.	255	287	278	166	99	-156	38,8
Когон ш.	1	1	1	1	0	-1	0
<i>туманлар:</i>							
Бухоро	1862	2176	2207	765	539	-1323	28,9
Вобкент	1006	1348	1368	518	365	-641	36,2
Жондор	1842	2027	2110	707	510	-1332	27,6
Когон	880	964	1001	463	260	-620	29,5
Олот	1122	1123	1112	413	290	-832	25,8
Пешку	1232	1330	1382	591	248	-984	20,1
Ромитан	1084	1114	1263	663	430	-654	39,6
Шофиркон	1589	1727	1780	787	480	-1109	30,2
Қорақўл	1397	1344	1349	426	269	-1128	19,2
Қоровулбозор	439	468	483	319	140	-299	31,8
Ғиждувон	1082	1563	1660	659	323	-759	29,8
<b>Жами</b>	<b>13791</b>	<b>15472</b>	<b>15994</b>	<b>6478</b>	<b>3953</b>	<b>-9838</b>	<b>28,7</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги “**Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 3077-сонли Фармойиши юзасидан амалга оширилган мақбуллаштириш жараёнида 2009 йилда вилоятдаги фермер хўжаликларининг сони 40,5 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 56,5 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Бунинг натижасида вилоят бўйича фермер хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 2006 йилдаги 100642 тадан 2010 йилда 87837 тага ёки 12,7 фоизга камайди.

Фермерлар ўртасида ўтказилган сўровларда, улар солиқлар тўлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий соҳалар, компьютер саводхонлиги бўйича ўз билим даражаларини оширишга эҳтиёжлари борлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, уларнинг консалтинг хизматларини олиш бўйича юқори эҳтиёжга эга эканликлари ҳам маълум бўлди. Ушбу эҳтиёжларни қондириш учун қишлоқ хўжалиги тармоқларида ахборот бериш тизимини ташкил этиш зарурати туғилади. Ушбу тизимни молиялаштириш ҳақида гап кетганда эса бу масалани қисман бюджет, қисман хизмат олувчилар ҳисобига бартараф этиш мумкин. Шу билан бирга, ўқув семинарлари, ахборот материалларини етказиш ишларини бепул амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Умумий кўринишда фермер оилаларидаги мавжуд ҳолат қишлоқ аҳолисининг бошқа фаолият билан шуғулланувчи оилалари билан солиштирганда ижобий баҳоланди. Фермерларнинг фикрича, самарали хўжалик олиб боришга куйидаги омиллар тўсқинлик қилади: агросаноат мажмуалари томонидан кўрсатилаётган ёрдамнинг етарли даражада эмаслиги, моддий-техника базасининг заифлиги, кредит бўйича юқори фоиз ставкаларнинг белгиланганлиги.

Агар мавжуд шароитлар ижобий тарафга ўзгартирилса, қишлоқ аҳолисининг яна 9 фоизи фермер хўжаликларини ташкил этиш истаклари борлигини билдиришган. Фермер хўжаликларини ташкил этишдан бош тортиш ҳолатларига куйидагилар сабаб бўлганлиги аниқланди: ёши ва саломатлик кўрсаткичлари (43,6 %), молиявий ва моддий ресурсларга эга бўлмаслик (30,3 %), катта миқдордаги куч-қувватнинг сарф этилиши лозимлиги (10,3 %), давлат томонидан кўмак берилмаслиги (5 %).

Шу тариқа фермер хўжаликларини олиб боришда ўзи учун ишлаш имконияти, ишлаб чиқариш воситалари ва натижаларининг бир кўлда бирлашиши, ундан келувчи даромадларнинг ҳам айнан меҳнат самарадорлиги ва маҳсулот сотувига боғлиқ бўлади. Қишлоқларда тадбиркорлар қатламини шакллантириш, фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш орқали қишлоқ ҳудудларида вужудга келган кескин ижтимоий вазиятларни юмшатиш имкониятлари пайдо бўлиши мумкин.

Қишлоқда аҳоли даромадларини оширишнинг яна бир омили деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳисобланади. Бу борада Бухоро вилоятида ҳам кейинги йилларда бир қатор чора-тадбирларнинг белгиланиши ва амалга оширилиши деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келди.

Бугунги кунда оилавий деҳқон хўжаликларини ташкил этишда қатор ютуқларга эришилмоқда ва уларни куйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- хўжаликни ташкил этишнинг ихчамлиги ва уларнинг бозор муҳитига тезда мосланувчанлиги;
- хўжалик аъзоларининг маълум бир оилага мансублиги;
- оила маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- меҳнатни ташкил қилишдаги ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар<sup>2</sup>.

Статистик маълумотларга кўра, Бухоро вилояти ва унинг ҳудудларида деҳқон хўжаликлари сони йил сайин ортиб бормоқда (4-жадвал).

<sup>2</sup> Махмудов О.Х. Андижон вилоятида оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. – Андижон, 2009. 74-75 б.

4-жадвал

Бухоро вилоятида деҳқон хўжаликлари сонининг ўзгариши\* (бирлик)

Шаҳар ва туманлар номи	Й и л л а р					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Бухоро ш.	6843	6843	6843	6843	6843	-	-
Когон ш.	5039	5039	5039	5039	5039	-	-
<i>туманлар:</i>							
Бухоро	28489	28489	28489	28489	28489	-	-
Вобкент	24754	25167	25167	25167	27150	2396	109,6
Жондор	37235	38033	38033	39889	40717	3482	109,3
Когон	16589	16652	16652	16652	16673	84	100,5
Олот	20921	21321	21321	21410	21700	779	103,7
Пешку	25502	25502	25502	25502	25502	-	-
Ромитан	27401	27912	27912	27912	27912	511	101,8
Шофиркон	36389	36395	36395	36395	36395	6	100,1
Қоракўл	33400	34100	34100	34100	34350	950	102,8
Қоровулбозор	5681	5681	5681	5681	5685	4	100,1
Ғиждувон	49138	49438	49438	49710	49710	572	101,2
<b>Жами</b>	<b>317381</b>	<b>320572</b>	<b>320572</b>	<b>322789</b>	<b>326165</b>	<b>8784</b>	<b>102,7</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари тузилган.

Жадвалдан кўриниб турганидек, 2006-2010 йиллар давомида вилоят бўйича деҳқон хўжаликлари сони 317381 тадан 326165 тага ёки 2,7 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичнинг ҳудудлар бўйича таҳлили унинг бир меъёрда кечмаганлигини кўрсатади. Хусусан, кўрилаётган даврда деҳқон хўжаликлари сонининг ўсиш суръати Вобкент, Жондор, Олот ва Қоракўл туманлари вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори, Когон, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор ва Ғиждувон туманларида паст бўлган. Қолган Бухоро, Когон шаҳарлари ҳамда Бухоро, Пешку туманлари деҳқон хўжаликлари сони ўзгармаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “**Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 308-сонли Қарорига асосан аҳолига кўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Айтиш жоизки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва Ўзбекистон Республикасининг

**“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”**ги Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, Бухоро вилоятида шахсий ва деҳқончилик хўжаликларида йирик шохли қорамол етиштириш билан банд бўлган аҳоли сони камайиб бормоқда (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Бухоро вилоятида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида йирик шохли қорамол етиштириш билан банд бўлган аҳоли сони, киши\***

Шаҳар ва туманлар номи	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Бухоро ш.	-	2	-	-	-	-	-
Когон ш.	-	-	-	-	-	-	-
<i>туманлар:</i>							
Бухоро	1000	897	902	963	326	-674	32,6
Вобкент	1250	1068	248	893	398	-852	31,8
Жондор	2044	1099	814	1067	495	-1549	24,2
Когон	1160	619	327	438	273	-887	23,5
Олот	975	915	430	671	452	-523	46,3
Пешку	1457	598	723	708	166	-1291	11,4
Ромитан	1411	1165	645	825	370	-1041	26,2
Шофиркон	1355	870	509	1102	452	-903	33,3
Қоракўл	1824	1355	960	1292	658	-1166	36,0
Қоровулбозор	305	93	176	129	56	-249	18,3
Ғиждувон	2623	2017	1424	1829	621	-2002	23,6
<b>Жами</b>	<b>15404</b>	<b>10698</b>	<b>7158</b>	<b>9917</b>	<b>4267</b>	<b>-11137</b>	<b>27,7</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар давомида вилоят бўйича шахсий ва деҳқончилик хўжаликларида йирик шохли қорамол етиштириш билан банд бўлган аҳоли сонининг 11137 нафарга ёки 72,3 фоизга камайганлигини кўрсатади. Бундай ҳолат вилоятнинг барча туманларида ҳам кузатилган.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинган йил бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, иш билан бандлар сони ортган. Кейинги йилларда эса бу кўрсаткичнинг 3,6 мартага камайганлигини кўриш мумкин. Бу эса мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.



Бухоро вилояти деҳқон хўжалиklarининг дон, мева, узум етиштиришдаги улуши мавжуд имкониятлар даражасидан пастлиги намоён бўлмоқда. Вилоятнинг Пешку, Ромитан, Когон, Қоровулбозор, Ғиждувон каби туманларида мева ва узум етиштириш вилоят ўртача кўрсаткичидан пастлигича қолмоқда. Бу туманларда деҳқон хўжалиklари томонидан юқорида кўрсатилган йўналишлардаги маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бундан ташқари, вилоятдаги деҳқон хўжалигидан атиги 0,8 фоизи юридик шахс мақомига эга эканлиги кузатилмоқда. Фикримизча, бу кўрсаткични ошириш лозим. Чунки деҳқон хўжалиklарига “юридик шахс” мақомини бериш уларда ўз ишига жиддий ёндашув ва масъулият ҳиссини ошириш билан бирга уларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига, шартнома асосида фаолият олиб боришига ҳуқуқий жиҳатдан замин яратади.

Фикримизча, деҳқон хўжалиklарида бизнес тадбиркорлигини ривожлантириш, биринчидан, қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга, иккинчидан, қишлоқ оилаларининг даромадларини оширишга ёрдам беради.

Бухоро вилоятининг қишлоқ туманлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда турлича бозор инфратузилмасига эга. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, улар билан савдо қилиш бўйича корхона ва тузилмалар аксарият ҳолларда вилоятнинг саноат марказларига яқин жойлашган туманларида жойлашган. Уларда одатда транспорт коммуникациялари яхши ривожланган. Бу туманлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш устувор бўлган туманларга нисбатан анча устунликка эга. Туманлар шаҳарлар ва йирик темир йўл станцияларидан қанча узоқда жойлашган бўлсалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларининг меҳнати шунчалик кам баҳоланади.

Ҳозирги вақтда кўпгина қайта ишлаш корхоналари хомашё етишмаслиги оқибатида кўп вақт ишламасдан туради. Шу билан бирга, айрим қайта ишлаш корхоналари қабул қилган хомашёни қайта ишлаб, уни сотишни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари зиммасига юклаш ҳолларига ҳам дуч келинади. Маҳсулот сотишда шахсий томорқа хўжалиklари эгалари янада жиддийроқ муаммоларга дуч келадилар. Улар ўз маҳсулотларини асосан воситачиларга чакана нархлардан 50 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ арзонга сотишга мажбурлар. Бундан биргина қишлоқ аҳолиси эмас, туманлар, вилоят иқтисодиёти ҳам зарар кўради.

Қишлоқда мавжуд меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника хизмати кўрсатиш, шунингдек, кредитлаш тузилмаларини кооперациялаш лозим. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотишни бевосита хўжалиklarнинг ўзида амалга ошириш транспорт харажатларини камайтириш ҳамда тез бузиладиган ва ташишга яроқли бўлмаган маҳсулотлар йўқотилишини камайтириш имконини беради. Шу билан бирга, бу кўпгина

қишлоқ аҳолисига қиш вақтида ҳам иш билан банд бўлиш, ўз даромадларини кўпайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида турли иқтисодий тармоқларда ташкил этилган корхоналарнинг алоқасини ривожлантириш орқали соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш муаммосини ҳал этиш;

- бизнесни ривожлантириш учун қулай ишчан муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлар, хомашё ресурслари билан таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳа фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- аҳолининг касаначилик фаолиятдан келаётган даромадларини ўз вақтида олишлари учун саноат корхоналарининг пуллик тўловларини амалга оширишда уларга устуворлик бериб, тўловларни навбатсиз амалга ошириш тартибини жорий этиш орқали касаначилик фаолиятини янада ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали тизимини яратиш;

- аҳоли бандлиги, даромадларини оширишда ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган бозор инфратузилмасини такомиллаштириш, мавжуд норасмий тўсиқларни чеклаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг ҳудудий сиёсатини шакллантиришга масъулиятни кучайтириш.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган илмий асосланган таклифларнинг амалиётга татбиқ этиш, биринчидан, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси янада жадал ривожланади, иккинчидан, қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпаяди.